
ҚУВА ТУМАНИДАГИ ҚИШЛОҚ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ ҲОЛАТИ ЯХШИЛАНАДИ.

Жорий йилнинг 11 феврал куни ижтимоий тармоқларда “Қишлоқ врачлик пункти аҳволига маймунлар йиғлайди!” мавзуси остида чоп этилган мақола кенг муҳокамаларга сабаб бўлди.

Қува туман ҳокимлиги ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ масалани жойига чиққан ҳолда ўрганди. Ўрганиш натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди.

Катта Дехқонобод МФЙ Шурмахалла қишлоғида жойлашган 83-Қишлоқ Оилавий Поликлиника биноси 1981-йил қурилиб, мослаштирилган бир қаватли бинода жойлашган. Мазкур бинода 2018 йилда вилоят ҳокимлиги ЯБХИК буюртмачилиги томонидан 100 млн.сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бироқ ҳудудда ер, тупроқ сифати яхши эмаслиги, тупроқда шўр-зах (туз) микдори юқорилиги сабабли, бино 2018 йилда тамирланганлигига қарамай, бинони пол кисми (кафел) ва деворларида шўр-зах тасирида тез-тез нураш ҳолатлари кузатилади.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда аҳолига қулай тиббий шароит яратиш мақсадида Катта Дехқонобод МФЙ марказида жойлашган

2 қаватли собиқ Дехқонобод шифохона биносини Инвестиция Дастур доирасида 2020-2021 йилларда реконструкция қилиш режалаштирилган ҳамда Давлат дастуридаги режага асосан 1 млрд. 700 млн.сўм маблағ ажратилиши назарда тутилган. Бино лойиха-смета ҳужжатлари Давр-АТ лойиха ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирда ижтимоий тармоқларда поликлиникада акс этирилган камчиликларни бартараф этиш ва ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Дехқонобод МФЙ марказида жойлашган 2 қаватли собиқ Дехқонобод шифохона биносини Инвестиция Дастур доирасида 2020-2021 йилларда реконструкция қилиш ишлари яқунлангандан сунг, ҳозирда Дехқонобод МФЙ Шурмахалла қишлоғида жойлашган 83-Қишлоқ Оилавий Поликлиникаси янги таъмирланган бинода фаолият кўрсатади.

Қува туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

2020-02-13 17:20:54